

**Қашқадарё вилоят статистика бошқармаси Инвестиция ва қурилиш
статистикаси бўлими
НИЗОМИ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси қабул қилган бошқа меъёрий хужжатлари асосида ишлаб чиқилди.

2. Инвестиция ва қурилиш статистикаси бўлими Қашқадарё вилоят статистика бошқармасининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари раҳбарлигига фаолият кўрсатади.

3. Инвестиция ва қурилиш статистикаси бўлими Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарор ва фармойишлари, Давлат статистика қўмитасининг буйруқлари, вилоят статистика бошқармасининг буйруқлари ва белгиланган тартибда тасдиқланган йўриқнома ва меъёрий хужжатларига амал қилган ҳолда иш тутади.

4. Бўлим юридик шахс мақомига эга эмас.

II. Бўлимнинг асосий вазифалари

5. Инвестиция ва қурилиш статистикаси бўлими асосий фаолияти қўйидаги вазифаларни ҳал этишга йўналтирилади:

- илмий асосланган, бозор иқтисодиёти асосий принципларига жавоб берадиган ягона статистика методологиясини ҳамда миллий рақамларни тузишни таъминловчи статистика стандартларига мувофиқ бўлган кўрсаткичлар тизимини жорий этиш;

- вилоятнинг иқтисодий ва ижтимоий жараёнларини ҳар томонлама характерловчи статистика ва ҳисобот кўрсаткичларнинг тезкорлиги, ишончлилиги, холислиги, изчилигини таъминлаш;

- статистика ахборотининг қулайлиги, аниқлиги ва ошкоралигини кенгайтириш ишларини амалга ошириш;

- статистика ишларини ташкил этишнинг статистика ахборотини йиғиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш тартибига ҳар қандай аралашишни истисно қилувчи тизимини таъминлаш;

- вилоят бўйича ижтимоий-иктисодий ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисида статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, саклаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилишни амалга ошириш;

- вилоят худудлари ва тармоқларида иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурларини, ижтимоий-иктисодий масалалар юзасидан Олий Мажлис қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва фармонларининг, Вазирлар Махкамасининг қарорлари ва фармойишларини бажариш мақсадида статистика кузатувларини амалга ошириш;

- Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, юридик шахсларни, давлат муассасаларини ва ҳалқаро ташкилотларни ҳамда жамоатчиликни статистика ахбороти билан белгиланган тартибда таъминлаш;

- статистика органлари замонавийлаштириш ҳамда статистика ахборотини тезкорлик билан узатиш, статистика бўйича ягона ахборот тизимини янада ривожлантириш, унинг вилоятдаги бошқа ахборот тизимлари билан ўзаро мувофиқлиги ва боғлиқлигини таъминлаш;
 - статистика ахборот ресурсларининг ҳавфсизлигини таъминлаш ва ахборот-ҳисоблаш тизимини рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш;
 - статистика органлари кадрларининг малакасини изчил асосда оширишни таъминлаш;
 - хўжалик шартномалари асосида корхоналар ва ташкилотларга ахборот-ҳисоблаш хизматлари кўрсатишга доир статистик ва бошқа ишларни бажариш.
 - худудий ва иқтисодиёт тармоқларида юзага келаётган тенденциялар фактор ва сабабларини очувчи ҳисбот давридаги статистик таҳлил усулларини қуллаган ҳолда таҳлил материаллари, ёзувлари ва маъruzаларини тайёрлаш ва уларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда хўжалик бошқаруви органларига тақдим этиш;
 - иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва худудларни ривожлантириш Давлат дастурлари бажарилишининг бориши тўғрисида таҳлилий ёзувларни тайёрлаш ва уларни маъсул ижрочиларга тақдим этиш;
 - иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг долзарб масалалари бўйича прессрелиз ҳамда мақолаларни, шунингдек ҳисбот даврида республиканинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини характерловчи статистик маълумотларни тайёрлаш ва оммовий ахборот воситаларида эълон қилиш;
 - ҳисбот даврида республика ва унинг худудларини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш кўрсаткичларини бошқарманинг расмий веб-сайтига жойлаштириш;
 - статистика бошқармасининг расмий веб-сайти ва кўрсатилаётган интерактив хизматлар мазмунидан қониқиши ҳосил қилганлиги хусусида статистика маълумотларидан фойдаланувчилар орасида мунтазам равишда сўровлар ўтказиш;
 - ишончли давлат статистик ҳисботларни хўжалик юритувчи субъектларга тақдим этиш бўйича улар билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш, статистик маълумотларни тақдим этиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва ҳуқуқий маданиятни оширишнинг ишлайдиган механизмларини ишлаб чиқиши;
 - статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, узатиш ва тарқатишнинг замонавий ахборот комуникация технологияларини кенг татбиқ қилиш.
6. Бўлим қонун хужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

III. Бўлимнинг асосий функциялари

- Инвестиция ва қурилиш статистикаси бўлимнинг ўз зиммасига юклangan вазифаларига мувофиқ қўйидаги функцияларни бажаради:
 - давлат статистика принципларига риоя этилишини таъминлайди;
 - статистика ишларининг кўп йиллик ва йиллик дастурларининг бажарилишини таъминлайди;
 - статистика кузатувлари дастурларининг самарали амалга оширилишини, статистика ахборотларини қайта ишлаш, тўплаш, тахлил қилиш, сақлаш ва тарқатишни таъминлайди;
 - давлат статистика ҳисботи шаклларини ва уларни тўлдиришга доир йўриқномаларни доимий ўрганиб боради ва белгиланган тартибда уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;
 - белгиланган тартибда муҳим ижтимоий-иктисодий муаммолар бўйича мониторингни ташкил қиласида ва амалга оширади;
 - вилоят худудлари ва тармоқларида рўй берадиган ижтимоий-иктисодий жараёнларни комплекс таҳлил қилиш учун статистика кўрсаткичларининг ахборот тизимини таъминлайди;
 - вилоятда иқтисодий ислоҳотларнинг боришини, бозор муносабатлари ва бозор инфратузилмасининг вужудга келишини, саноат ва истеъмол товарлари конъюктурасини, иқтисодиёт секторлари ва тармоқлари фаолият кўрсатиши статистика кузатувларини амалга оширади;
 - вилоятдаги энг муҳим иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар ва ходисаларнинг дастлабки статистик таҳлилини амалга оширади;

- статистик фаолият, шу жумладан давлат ахборот тизимлари ва ресурсларини юритиши масалалари бўйича норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишида белгиланган тартибда таклифлар тайёрлайди;

- статистика кузатувлари ва расмий статистика ахборот-тушунтириш ишларини амалга оширади;

- миллий қонун хужжатларига ва тавсияномаларга мувофиқ статистика маълумотларининг маҳфийлигини таъминлайди;

- маълумотларни тайёрлаш методларини, тартибини ва сифатини такомиллаштириш негизида барча фойдаланувчиларга очиқ статистика ахборотини тарқатади ва уларни фойдаланиш учун тенг шароитлар билан таъминлайди.

8. Бўлим қонун хужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

IV. Бўлимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

9. Инвестиция ва қурилиш статистикаси бўлими қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, банклардан, бошқа юридик шахслардан (зарур ҳолларда уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) давлат статистика хисоботларини олиш ҳамда улардан статистика мақсадларида фойдаланиш;

- юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятининг давлат статистика кузатувларини ўтказиш ва олинган маълумотлардан статистика мақсадларида фойдаланиш;

- давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, давлат статистика ишларини олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни (уларни тайёрлашнинг ҳар қандай босқичида), шунингдек уларга илова қилинадиган тушунтиришларни сўраш ва олиш;

олинаётган давлат статистика маълумотларининг тўлиқлиги, холислиги ва ишончлилигини экспертизадан ўтказиш;

- давлат статистика маълумотларида қоидабузарликлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш ҳақида кўрсатмалар бериш ҳамда жамланма давлат статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;

- давлат органлари, юридик шахслар, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари, статистика маълумотлари тақдим этувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган меъёрий хужжатларнинг бажарилишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

- давлат статистика кузатувлари методологияси ва уларни ташкил этиш, шунингдек расмий статистика ахбороти билан боғлиқ масалалар бўйича ахборот-түшиниш ишларини амалга ошириш;

- олинаётган статистика маълумотларининг тўлиқлиги, ишончлиги ва холислигини экспертизадан ўтказиш;

- вилоят худудидаги муассасалар ва ташкилотларда статистика маълумотларининг ишончлилиги ва тўлиқлигини белгиланган тартибда текшириш. Статистик хисобот кўрсаткичларида бузилишлар аниқланган тақдирда уларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш ва статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;

- статистика маълумотларини тақдим этиш тартиби интизомининг бузилишига йўл қўйган ҳамда яширин ва ноконуний ишлаб чиқаришни, пул маблағларининг банқдан ташқари айланишини яширишга ва корхоналар фаолиятини холисона баҳолашнинг бузилишига сабаб бўладиган, унинг муассислари ва акциядорлари манфаатларига заар келтирадиган нотўғри статистика маълумотларини қасдан тақдим этган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисида баённомаларни расмийлаштириш;

- статистика хисоботини қасдан нотўғри тақдим этган ҳолда қўпол қонун бузилишига йўл қўйган шахсларни қонунчиликка мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритиш.

10. Бўлим ўзига тегишли вазифалар доирасида статистика соҳасидаги қонунчиликда белгиланган ягона сиёсатнинг самарали амалга оширилиши учун жавоб беради.

11. Бўлим ходимлари Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни талабларини бузганлик учун, ёхуд мазкур қонун бузилишларига кўмаклашганлик учун Қонунга мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилади.
12. Бўлимга берилган топширикларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, меҳнат интизомининг ҳолати ҳамда ўзига бириткирсанган бошқа вазифаларни бажарилиши устидан маъсулдир.
13. Бўлим қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши ва мажбуриятларни бажариши мумкин.

V. Бўлимнинг ташкилий ва функционал структураси

14. Бўлим низоми ва лавозимлар йўриқномаси бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади;
15. Бўлимни мазкур низом асосида бўлим бошлиғи бошқаради.
16. Бўлим бошлиғи эгаллаб турган лавозимга бошқарма бошлиғи томонидан тайинланади ва озод этилади.
17. Бўлимнинг иш режаси ва иш ҳисоботи, бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.
18. Бўлим штатлари сони ва иш ҳақи миқдори вилоят статистика бошқармаси штат жадвали асосида белгиланади.